



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (12.656)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАМЛАКАТИМИЗ НЕФТЬ-ГАЗ ВА ЭНЕРГЕТИКА САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон нефть ва газ – OGU 2014» 18-халқаро кўргазмаси ва «Энергетика – Power Uzbekistan 2014» 9-халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси, ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ITE компаниялари гуруҳи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Ш.Файзуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқариш

ни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Нефть-газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Мустақиллик йилларида соҳада амалга оширилган тўб ўзгаришлар самарасида 2013 йилнинг ўзига 2,8 миллиард АҚШ долларидан зиёд инвестиция ўзлаштирилди. Бу прогноз кўрсаткичлардан 11 фоизга кўнди. Жаҳон миқёсидаги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Чунинчи, Сурғил қони негизда бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси жаҳон нефть-газ соҳасидаги энг йирик лойиҳалардан биридир.

(Давоми 2-бетда)

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР — СОҲА ИСТИҚБОЛИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати бошқармалари бошқилари, олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий округлар сержантлар тайёрлаш мактаблари ўқитувчилари, Қуrollи Кучлар академияси раҳбарияти, профессор-ўқитувчи ва тингловчилари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тинч ва осуда ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлган, ихчам ва юқори тайёргарликка эга миллий армиямиз шаклланди. Ҳарбий санъатни, ахборот-коммуникация технологиялари ва ҳарбий тилларни пухта ўзлаштирган илгор офицерлар сафи ортиб бораётгани Қуrollи Кучларимиз салоҳияти, жанговар куч ва имкониятларини тобора юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори таълим даргоҳларида йигит-қизларнинг ҳарбий

Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучлари академияси тингловчилари Ҳарбий-илмий жамияти томонидан инглиз тилида «Ҳарбий санъатнинг ривожланиш тарихи» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

тиллари чуқур ўрганиши баробарида замонавий билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофича хабардор бўлишига имкон яратмоқда.

Конференцияда таъкидланганидек, бугунги кунда соҳа мутахассисларидан ҳарбий илмнинг таркибий қисми ҳисобланган ҳарбий санъат назариясига оид адабиётларни пухта ўрганиш, ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан танишиш, сўнги янгилик ва воқеа-ҳодисаларни мунтазам кузатиб бориш талаб этилмоқда.

— Мамлакатимизда барча соҳаларда, жумладан, таълим, фан, маданият, ишлаб чиқариш бўйича халқаро алоқалар кенгайиб,

кундан-кун ривожланиб бораётгани соҳа мутахассисларидан ҳарбий тилларни билишни талаб қилмоқда, — дейди подполковник Акмал Омонов. — Мазкур конференция осмонимиз мусоф-фолги, сарҳадларимиз дахл-сизлигини сақлаш йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг соҳага оид билимини бойитиш бўлиши маҳоратини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда ҳарбий санъатнинг ривожланиш тарихи, машҳур тарихий қўмондон ҳамда назария-ётчиларнинг ҳарбий санъат ва уни ривожлантиришга доир қарашлари ҳақида инглиз тилида маърузалар тингланди, фикр алмашилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясида «Ёшларнинг оила қуриш

кўникмаларини ошириш ва улар ўрта-сида эрта никоҳнинг олдини олиш чораларини кўриш» лойиҳасининг якуний матбуот анжумани бўлиб ўтади.

✓ **БУГУН** Сергели туманидаги 285-мактабда Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш,

аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қизларни ҳаётга тайёрлаш, 12 йиллик мажбурий таълимни амалга ошириш мавзуларига бағишланган тадбир ташкил этилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтига Ўзбекистон фан-

рийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида «Икки авлод учрашуви» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Яқинда биз Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлдик. Муҳим давлат ишлари билан ғоят банд бўлишингизга қарамай Оққалодаги Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши майдонига ташриф буюрганингиз Корея Республикасининг ҳар учала муҳандислик-қурилиш компанияси вакилларида чуқур таассурот қолдирди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши майдонига ташриф буюриб, бизга илтифот кўрсатганингиз, бе-ниҳоя мазмунли суҳбатингиз ва эзгу тилақларингиз учун самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, GS Engineering & Construction Corp. компанияси номи-дан Сизга мактуб ёзиш менга улкан шараф ва мамну-ният бағишлайди. Сизнинг ташаббусингиз билан таш-кил этилган байрам концерти бизга олам-олам завқ бағишлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Устюрт газ-кимё мажму-аси қурилишидаги ишларимизга кўрсатаётган доимий ёрдамнингиз, юқори даражадаги меҳмондўстлик учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

GS Engineering & Construction Corp. компанияси бош директори сифатида ишонтириб айтаманки, биз Устюрт газ-кимё мажмуаси лойиҳасини сидқидилдан амалга оширамиз, қурилиши вақтида муваффақият-ли яқунлаймиз ва уни фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасига топширамиз.

Юксак эҳтиром ила,

Бёнгён ЛИМ,
GS Engineering & Construction Corp.
президенти ва бош директори.

Сўз — конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХДА ҲАМ, БУГУН ҲАМ ЕТУК ОЛИМЛАРИ БИЛАН ДУНЁГА МАШҲУР



Самарқанд шаҳрида 15-16 май кунлари «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таш-кил этилаётган ушбу анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Ни-дерландия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Венгрия, Швеция, Япония, Хиндистон, Миср, Индонезия, Малайзия, Саудия Арабистони, Кувайт, Лат-вия, Словакия, Польша каби эл-лика яқин мамлакатдан олим-лар, шунингдек, нуфузли халқа-ро ташкилотлар раҳбар ва ва-киллари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этади. Айни пайтда анжуман қатнашчилари юртимизга кела бошлади.

ЎзА мухбирлари конференция иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқди.

Ева ВИЕТСМА, Вагенинг-ген университети халқаро маркази лойиҳа раҳбари, профессор (Нидерландия):

— Ўзбекистон — бой тарих ва улкан маданий меросга эга мамлакат. Ушбу муқаддас за-минда қамолга етган қўллаб-буюк мутафаккирлар ўзининг бой илмий-маънавий ва ма-даний мероси билан жаҳон цивилизацияси ривожига ул-кан ҳисса қўшган. Мирзо Улуғ-бек улардан биридир. Астро-номия фани асосчиларидан бўлиш ушбу аллома ўзининг оламшумул кашфиётлари билан бутун дунёда, хусусан, Ни-дерландияда ҳам доврғу қозонган.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғонада Халқаро саноат яр-маркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда икки юздан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотларини на-мойиш этди. Икки кун давом этган ярмаркада вилоятдаги озиқ-овқат, тўқимачилик ва енгил саноат, қури-лиш материаллари, мебель, спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш корхона-лари ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этди. 12 миллиард сўмлик-дан зиёд шартномалар имзоланди.

• Самарқандда вилоятда фаолият юритаётган давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ахборот хизматлари масъул ходимлари малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинари ўтказилди.

• Навоийда «Ҳамшира — 2014» республика кўрик-танловининг вило-ят босқичи бўлиб ўтди. Унда 13 на-фар ҳамшира ўз билим ва малака-сини намойиш этди.

• Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси ва бошқа қатор ташки-лотлар ҳамкорлигида Термиз шаҳрида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркор, фер-мер ва хунарандлар ишлаб чиқа-раётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма якунида «Йилнинг энг намунаси ёш тадбир-кори», «Йилнинг энг намунаси ёш фермери», «Йилнинг энг намунаси ёш хунаранди» йўналишлари бўйи-ча голиблар эълон қилинди. Улар кўргазманинг мамлакат босқичида иштирок этади.

• «Қамолот» ЁИХ марказий кенга-ши ташаббуси билан ўтказилаётган «Менинг бизнес ғоям» республика танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 130 нафар битирувчиси ўз бизнес лойи-ҳаси ва ғоялари билан иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Американинг Иллинойс штатида радар станцияси биносига рўй бер-ган энергия таъминоти тизимидаги носозлиқлар натижасида кеча Шимо-лий Американинг энг муҳим транс-порт йўлларида бири ҳисобланмиш Чикаго шаҳри билан авиақатнов тўхтатиб қўйилди. Натижада мингдан ортиқ авиарейслар бекор қилинди, яна бир неча юзтасининг вақти кўчи-рилди.

• Туркиянинг Истанбул шаҳридан 250 километр нарироқда жойлашган Сома аҳоли яшаш пунктидаги шах-тада қисқа туташув натижасида юз берган портлаш оқибатида қурбон бўлганлар сони 200 кишидан ошиб кетди.

• Бугун Австрия пойтахти Вена шаҳрида Эроннинг ядро дастури бўйича музокараларнинг тўртинчи босқичи бошланди.

• Жанубий Корейанинг «Сэволь» па-роми ҳалокатга учраган жойда олиб борилаётган ва ноқулай об-ҳаво ша-роитлари туфайли вақтинча тўхтатил-ган кидирув ишлари кечадан яна да-вом эттирила бошланди. Чунки па-ром ҳалокати натижасида бедарак йўқолган 29 кишининг танаси ҳозир-гача топилмаган. Айни пайтда паром экипажининг барча аъзолари ўз иш-ларига масъулиятсиз тартибда ёндошганликлар учун ҳибсда сақ-ланмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жанубий корейлик шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АКШ доллари ташкил этади. Унинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатимиз энергетика мажмуасини ривожлантиришда ҳам салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми изчил ошиб бормоқда, янги қувватлар ишга туширилиб, ёқилғи-энергетика тармоғини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошмоқда, янги технологиялар жорий этилиб, муқобил энергетика йўналиши ривожланмоқда, соҳада халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Иштирокчилар географияси йил сайин кенгайиб бораётган. Бу гагга экспозицияда Хитой, Жанубий Корея, АКШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Венгрия, Вьетнам, Польша, Италия, Россия, Руминия, Дания, Қозғоғистон, Туркия каби 20 давлатдан 160 дан ортиқ компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Мамлакатимиз компаниялари стендда нефть-газ тармоғи ютуқлари намойиш қилинмоқда. «Узнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига қирадиган корхоналар нефтни қайта ишлаб, автобензин, дизель ёқилғиси, мазут, нефть мойлари, битум, авиакеросин ишлаб чиқармоқда. «Узнефтьгазуриш» акциядорлик компанияси нефть ва газни қайта олиш, ташиш ҳамда қайта ишлаш объектларини лойиҳалаштирмоқда, барпо этмоқда ва жиҳозламоқда. «Узнефтьгазмаш» акциядорлик компанияси нефть-газ ва газ-кимё мажмуаларининг ташиш-лот ҳамда корхоналари учун машина-асозлик маҳсулотлари ишлаб чиқараётган. Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шўртан газ-кимё комплекси» унитар шўъба корхонаси ва бошқа компаниялар суюқтирилган газ ҳамда полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтирмоқда. «OGU-2014» кўргазмасида улар углеводородларни қидириш, қазиб олиш, бургулаш, тоғ-кон саноати, иситиш, пайвандлаш жиҳозлари, автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари ва ёқилғи қўйиш шохобчалари учун қўрилмалар, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича энг яхши тақлифлар тақдим этган.

Хитой ва Жанубий Корея компаниялари ҳам кенгайтирилган таркибда қатнашаётган. Жумладан, Жанубий Кореянинг «Kwang Shin» компанияси ҳаво ва газ компрессорлари, автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари асбоб-ускуналарини тақдим этмоқда. Хитойнинг «Shanghai SK Petroleum Equipment Co., Ltd» компанияси кенг турдаги бургулаш қўрилмалари, жумладан, бошқарув пултилари, геологик анализаторлар, қудуқ ва сурма қопқоқларни назорат қилиш ускуналарини намойиш этаётган.

Компаниямиз ўзбекистонлик шериклар билан 2008 йилдан буюн ҳамкорлик қилиб, келмоқда, дейди, «Shanghai Kerui Petroleum Equipment Co., Ltd» компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси бош директори Давид Ву (Хитой). — Ўзбекистонда нефть-газ тармоғининг жадал суръат билан ривожланиб бораётгани ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янги имкониятлар очмоқда. «OGU-2014» кўргазмасида Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ниятидамиз.

Германиянинг «Draegerwerk AG», «Jumo GmbH & Co. KG», «Kanex Krohne Anlagen Export GmbH» ва бошқа йирик компанияларнинг экспозициялари ҳам кўпчилигининг эътиборини тортмоқда. Улар ишлаб чиқариш хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш, контроллерлар, релслагин ва индукторлар, ўлчов техникалари, дизель двигателлари ва турбиналар ишлаб чиқариш бўйича ўз ишланмаларини намойиш этаётган.

Ёшлар — келажгимиз

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Ёшлар — юртимиз келажгининг пойдевори. Шундай экан, уларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга муҳаббат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Маълумки, ҳозирги даврда жамият тараққиёти ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ҳамда баркамол бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган.

Бу борада ёшларни ихтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан ёшларнинг тарбияси йўлида олиб борилаётган ишлар эътиборга моликдир. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат равнақи, жамият тараққиёти ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даражасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун аввало, жамият аъзоларининг, шу жумладан воёга етмаганлар ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий савияси юқори даражада бўлишини таъминлаш талаб этилади.

Мақсадимиз ёшларни тўри йўлга бошлаш, Ватан равнақи, юрт келажиги учун муносиб воқислар этиб тарбиялаш, — дейди комиссиянинг масъул котиби Отабек Тошматов, — Чунончи, воёга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, аёллар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини оширишга қўмақлаштириш, одам савдоси жиноятлари қурбонига айланиб қолишларига йўл қўймаслик ва бу салбий иллатларга қарши курашишда ёшларнинг ролини кучайтириш мақсадида туман ИИБ, ХТМФМТТЭБ, хотин-қизлар қўмитаси, «Ка-молот» ЁИХ тиббиёт бирлашмаси, «Оила» илмий-амалий маркази ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда кенг қамровли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик

Италия, Франция, Руминия, Польша ва Даниядан таширф буюрган иштирокчилар стендларида транспорт-экспедиторлик хизматлари, бошқарув тизимлари, нефть-газ тармоғи учун технологик қўрилмалар ва бошқа ускуналар тақдимотлари ўтказилмоқда.

Масалан, Италиянинг «SAFE s.p.a» компанияси кенг турдаги газ компрессори жиҳозлари, Руминиянинг «Confind» компанияси нефть саноати учун кенг турдаги ускуналар намойиш этмоқда. — Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш борасида улкан салоҳиятга эга, — дейди Италиянинг «SAFE s.p.a» компаниясининг бозорни ривожлантириш бўйича менежери Эммануэл Заннанини. — Газ тўлдириш станциялари сони кўпаймоқда, газ тўлдириш ва ёқилғи қўйиш ускуналари, компрессорлар ва газ баллонларига бўлган талаб ҳам ошиб бораётган. Бу Ўзбекистон бозорининг ишлаб чиқарувчилар учун ақибдоши эканидан далolat беради. Ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз.



ни, чет эл инвестициялари кенг жалб этилаётгани ушбу тадбирнинг долзарблигини далolat беради. «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» индустриал зоналарида техник кремний ва фотозелетриқ қуёш панелларини ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ишга туширилмоқда.

Кўргазмада Хитой, Жанубий Корея, Германия, Франция, Россия, Туркия ва Қозғоғистондан эллика яқин компания иштирок этаётган.

Компаниямиз экологик метеорология ва шомол энергетикаси билан шуғулланади, — дейди «GEO-NET Umweltconsulting GmbH» компаниясининг халқаро лойиҳалар бўйича менежери Вера Ваниева (Германия). — Ўзбекистонда шомол атласини ишлаб чиқиш бўйича Осиё тараққиёт банкнинг тендерига қолиб чиқдик. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантиришдан ташқари шомол энергетикасини ривожлантириш бўйича ҳам катта имкониятлар мавжуд. Бу Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида экологик тоза шомол энергиясидан фойдаланиш имконини беради.

Хитойлик ишлаб чиқарувчиларнинг кенг турдаги маҳсулотлари иштирокчилар ва меҳмонлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. «Chengdu Andisoon Measure Co., Ltd», «Jiangsu Tongguang Optical Cable Co., Ltd.», «Sanbian Sci-Tech Co., Ltd» ва бошқа компаниялар трансформатор, генератор, электродвигатель ва бошқа кўплаб маҳсулотларни намойиш этмоқда. Корея Республикаси, Туркия ва Франциядан таширф буюрган ишлаб чиқарувчилар энергетика соҳасидаги энг замонавий ишланмаларни тақдим этаётган.

Халқаро кўргазма доирасида «Энергетика — 2014: инновациялар, ечимлар, истиқболлар» мавзусида семинарлар ўтказилмоқда. Уларда энергиядан фойдаланиш усулларини тақомиллаштириш, мавжуд станцияларни модернизация қилиш ва бошқа долзарб масалалар бўйича тақдимотлар бўлиб ўтади. «Ўзбекистон нефть ва газ — OGU 2014» ва «Энергетика — Power Uzbekistan 2014» халқаро кўргазмалари мамлакатимиз нефть-газ ва энергетика салохиятини намойиш этиш учун қулай имконият, шунингдек, энг замонавий ишланма ва технологияларни жорий қилиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, янги капитал қўйилмаларини жалб этиш учун самарали воситадир.

Кўргазмаларнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Ибрагимов сўзга чиқди.

Бобур ОБИДОВ,
Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг жорий йил биринчи чорагида амалга оширилган ишлар, соҳада эришилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро

ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда автомобиль ва дарё транспорти тизимида хизмат кўрсатиш сифати ошиб, соҳада рақобат муҳити тобора ривожланмоқда. Президентимиз Исроом Каримовнинг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим омили бўлмоқда.

Автомобиль транспорти хизматлари бозорига рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида йўловчи ташиш йўналишлари очик тендер танловлари орқали амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 27 тендер ўтказилиб, йўловчи ташиш бўйича 225 йўналиш жойлаштирилди. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга 727 лицензия ва 44 минг 700 га яқин лицензия варақаси берилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда автотранспорт тизимида тўрт минг уч юздан ортиқ йўловчи ташиш йўналиши фаолият кўрсатмоқда. Мазкур йўналишларнинг мингдан ортиғи шаҳар, икки минг етти юзга яқини шаҳар атрофи ва олти юз қирқдан зиёди шаҳарлараро йўналишлардир.

Вилоятларда ҳокимликлар билан биргаликда йўналишларда йўловчи-

лар оқими ва аҳолининг йўловчи ташиш хизматида бўлган эҳтиёжлари тўлиқ ўрганилиб, автокорхоналардаги мавжуд транспорт воситаларини янгилашда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Январ-март ойларида Фарғона вилоятида 82, Тошкент вилоятида 13 ва Навоий вилоятида 4 «ISUZU» русумли автобус лизинг асосида харид қилиниб, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларига йўловчи ташиш учун қўйилди.

Тизимда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва давлат солиқ органлари билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатилган. Мазкур ташилотлар билан биргаликда ўтказилган мингдан ортиқ қўшма рейд давомида 16 минг 693 ҳолатда автотранспорт эгаларининг лицензиялаш соҳасида қонунбузилишларга йўл қўйгани аниқланди. Натижада лицензиясиз фаолият кўрсатган шахсларга нисбатан 2 миллиард 548 миллион сўм миқдорида жарималар қўлланилди.

Агентликда дарё транспортини ҳисобга олиш, классификациялаш, техник ҳолатини назорат қилиш ва белгиланган муддатларда техник қўриқдан ўтказиш мақсадида 10 корхона билан ўзаро шартномалар тузилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХДА ҲАМ, БУГУН ҲАМ ЕТУК ОЛИМЛАРИ БИЛАН ДУНЁГА МАШҲУР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Европада Авиценна номи билан машҳур Абу Али ибн Сино тиббиёт илми ривожига қўшган беназир ҳиссаси билан дунёга донг таратган. Самарқандда ўтадиган халқаро конференция асосида ушбу муқаддас заминда етишиб чиққан кўплаб улуг мутафаккирларнинг бой илмий меросига яна бир бор мурожаат қилиб, уларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси хусусида фикр алмашиш имконига эга бўламиз.

Ўзбекистон нафақат тарихда, балки бугунги кунда ҳам етуқ олимлари билан дунёга машҳур. Хусусан, ёш олим Иброҳим Абдурахмоновнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги кашфиётлари барчани ҳайратга солмоқда. У яратган иштиро — гўзанинг янги нави халқаро миқёсда эътиборга молик воқеа сифатида эътироф этилди.

Конференция давомида Самарқандни, у ердаги қадимий меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконига эга бўлишимдан бахтиёрман. Менга, айниқса, Регистон, Шоҳи Зинда мажмуаларини, Амир Темур макбараси ва Улугбек расадхонасини томоша қилиш олам-олам маънавий куч-қувват бағишлайди.

Ўзбекистон қисқа фурсатда дунёда ўз муносиб ўрнини топгани, обрў-эътибор қозонгани, нуфузи юксалиб бораётгани Президент Исроом Каримов юриятаётган узокни қўзлаган, доно сиёсат самарасидир. Давлатингиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатингиз тарихини, аждодларингизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва уни ёш авлодга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон мустақиллиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу диёрда доимо тинч ва осуда ҳаёт ҳукм сураётгани ҳам айнан ана шундай изчил ишлар самарасидир.

Фаҳад АЛ-МЕКРАД, Араб очик университети профессори (Қувайт):

Авал ҳам Ўзбекистонда ўтказилган кўплаб халқаро конференцияларда иштирок этиш имконига эга бўлганман. Ўзбек заминиде етишиб чиққан олим фузалоларининг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунё аҳли эътироф этади. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий каби кўплаб буюк мутафаккирларнинг бой меросидан бутун дунё аҳли асрлар оша баҳраманд бўлиб келмоқда. Улар ҳақида жуда кўплаб асарлар ва мақолалар ёзилган, фильмлар яратилган. Буюк аждодларингиз қолдирган ноёб ва ўта муҳим мерос асосида бугун дунё мамлакатлари илм даргоҳларида, мактабу университетларда таълим берилмоқда. Бугунги кунда юртингизда ана шундай моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида чуқур ўрганиш ва ундан халқингизни баҳраманд қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлардан ўрнат олса арзийди.

Ўзбекистонга ҳар гал келганимда барча соҳаларда, хусусан, таълим жаҳҳасида эришилаётган муваффақиятлардан ҳайратланаман ва қувонаман. Айниқса, юртингизда чет тилларини ўрганишга қаратилаётган эътибор туйғайли мамлакатингиз ёшлари инглиз, француз, араб тилларига бийрон сўзлаётганини кўриб, жуда таъсирландим. Ўзбекистон ва унинг ютуқлари ҳақида, одамларнинг юксак интеллектуал салоҳияти, баргикенглиги, самимилиги ва меҳмондўстлиги ҳақида кўплаб мақолалар ёзганман. Ўзбекистоннинг ўзига хос маданиятини жуда қадрлайман.

Мазкур халқаро конференция ташаббускори Президент Исроом Каримовга самимий миннатдорлик билдираман.

Жулио КАСАТИ, Инсубриа университети профессори (Италия):

Унала ўзбек алломаларининг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси улкандир. Жумладан, Мирзо Улуғбек қолдирган мерос халқингизнинг жаҳон аҳлига бебаҳо инъомидир. Унинг кўплаб илмий монографиялари, сиёсат ва иқтисодиёт соҳасидаги фаолияти, илмий ва маърифий мероси бугунги авлод учун ҳам катта сабоқ бўлиб хизмат қилмоқда. Алломанинг жаҳон илм-фани, айниқса, астрономия ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Унинг «Жижи Кўрагоний» асари ўрта асрларда Осиё ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик асар бунчалик шухрат қозонмаган.

Италияда Ўзбекистон билан илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга интилиш кучли. Хусусан, Тошкентда очилган Турин политехника университети таълим соҳасидаги фаол ҳамкорлигининг амалий намунасидир.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги меъморий обидаларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлганман. Мамлакатингизда аждодларингизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва асраб-авайлаш, таълим, фан ва маданият соҳаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар ўз самараларини бераётгани таҳсинга лойик.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган изчил ислохотлар самарасида «Соғлом она — соғлом бола» Дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражасининг янада кўтарилишига олиб келди.

Аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббиётнинг бирламчи бўлини фаолиятини янада яхшилаш, жойларда оналик ва болалик муҳофазаси йўналишида иш олиб борувчи қатор ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия, скрининг ва перинатал марказлари, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, болалар тиббиёт муассасалари ва туғруқхона комплексларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгиланган аниқ чора-тадбирлар доирасида амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йилдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари мазкур йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларнинг ижроси доирасида 2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб республикамиз ҳудудида ҳар ойда «Фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш» ҳафталиклари мунтазам ўтказилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг юқори малакали мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юртимизнинг етакчи профессор-ўқитувчилари туғиш ёши 20 дан 35

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

ёшгача бўлиши кераклиги, туғруқ орталиги энг камида 3-3,5 йилни ташкил қилиши зарурлиги, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, ўз саломатлиги ва туғилажак фарзанднинг соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган ҳасталиклардан ўз вақтида фориғ бўлишига эътибор қаратишлари лозим. Бу ўз навбатида аҳолининг тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқ-

да. Зеро, ўзидан соғлом насл қолдиришни истаган ҳар бир кишининг шу каби соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқдир.

2014 йил — Соғлом бола йили

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ ЭРТАСИ

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар, жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли саяё-ҳаракатлар самарасидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина ҳаёт тарзимиз, турмушимизда содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларга аҳамият қаратишнинг ўзи кифоя.

Перинатал марказларида ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини асрашга қатъи эътибор қаратилиб, ҳомиладорлик даврида муайян бир ҳасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғруқ хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланмоқда. Айни чоғда бир килограммдан кам вазнда туғилган жажжи гўдақлар буткул соғломлаштирилаётгани бахтиёр оналар сафини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, турли аномалияли туғма ҳасталиқлар жаррохлик йўли билан муваффақиятли даволанмоқда. Мамлакатимизда Она ва бола скрининги

лакатимизда 2010 йилда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат — «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Қонун аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибиде соғлиғи учун зарур бўлган микронутриентлар билан таъминлаш чора-тадбирларини изчил амалга оширишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Айни вақтда ҳомиланинг тўлиқ ривожланишини таъминловчи таркибиде 13 хил витамин ва 10 хил микроэлемент мавжуд бўлган поливитаминлар комплекси қўлланилмоқда. Ўз навбатида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ишлар миқёси ва кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди.

Барчамизга маълумки, соғлом бола, аввало, соғлом ва мустаҳкам оилада улғаяди. Ана шундан келиб чиқиб, Давлат дастури доирасида жорий йилда соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида барча шаҳарлардаги аҳоли

бий кўриқдан ўтказилади.

«Соғлом бола йили»да болаларни ўнгла юқумли касалликка қарши режалли эмлаш янада изчиллик билан давом эттирилади. Шу билан бирга, ротавирус, пневмококк, инсон папилломаси вируси каби инфекцияларга қарши уч хил янги вакциналар билан босқичма-босқич эмлаш жорий қилиниши мўлжалланмоқда. Бу келажакда юқумли ва онкологик касалликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди.

Қайд этилганидек бугунги кунда туғма нуқсонлар ва наслик касалликларни барвақт аниқлаш ҳаётини зарурат бўлиб, бунинг учун жойларда зарур шарт-шароитлар яратилган. Ушбу йўналишда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида барча ҳомиладор аёлларнинг оммавий скрининги ташкил этилади.

Бундан ташқари ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари қўшимча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Виллоятлардаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида неонатал хирургия бўлимида турли ташкил қилиш кўзда тутилган.

Дастурда, шунингдек, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини малакали кадрлар билан таъминлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бунинг учун 750 нафар умумий амалиёт шифокори 10 ойлик курсларда қайта тайёрланади. Ўнг муҳими, 7 минг нафардан зиёд мутахассислар айнан она ва бола саломатлиги йўналишида замонавий технологияларни жорий этишга ўқитилади.

Албатта мана шундай саяё-ҳаракатларнинг халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилиши мамлакатимизда аҳоли репродуктив саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, пировардида жамиятда соғлом ва барқарор муҳитни қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самаралари жуда катта эканидан далолат беради. Истикболда эса ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, бунинг учун яратилаётган имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш мақсада мувофиқдир.

Дилфуза ҲАСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
оналик ва болаликни муҳофаза
қилиш бошқармаси
бошлигининг ўринбосари



ОИЛА ФАРОВОН ЭКАН — ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМ

Бугунги кунда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва яхшилаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан ихтисослаштирилган марказлар, тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиникалари, оилавий поликлиникалари ва янги замонавий тиббиёт-соғломлаштириш марказлари аҳолига хизмат қилмоқда.

Чилонзор туманидаги 35-сонли оилавий поликлиника ҳам узок йиллардан буён аҳолининг соғлиғини яхшилаш, даволаш ва турли касалликларнинг олдини олишда тез ва сифатли фаолият юритмоқда.

Мазкур тиббиёт муассасасида «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» шioriни илгарти сурган ҳолда шифохона ходимлари тумандаги 10 та маҳалла билан ҳамкорликда ҳар ойнинг учинчи санасида аҳолининг долзарб муаммолари муҳокама қилиниб уларнинг ечимларини топиш юзасидан йиғилишлар ўтказилиб келинади.

— Аҳоли ўртасида учрайдиган турли касалликларни бартараф этиш, ёшларга маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш асосий вазифамиздир, — дейди поликлиника бош шифокори Саодат

Ҳамидова. — Бизнинг шифохонада 26 та умумамалиёт шифокори, 97 та ҳамширалар фаолият юритади. Шунингдек, шифо масканимизда терапия, гинекология, акули, лор, хирург, эндокринолог, невропатолог, ортопед-травматолог, стоматолог, кардиолог шифокорлар ҳамда флюорография, ЭКГ, УЗИ каби физиотерапия аппаратлари беморларга аниқ ва тўғри таъхис қўйишда қўл келмоқда. Туғиш ёшдаги аёллар, оналар ва болалар, ўсмир ёшдаги қизлар ва ўғил болалар, имконияти чекланган нафақадаги инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Поликлиникамизда душанба «Нуронийлар», сешанба «Ҳомиладорлар», чоршанба «Болалар ва ўсмирлар», пайшанба «Экология ва саломатлик», жума «Аёллар ва қизлар», шанба «Ўқув муассасалари» кунлари сифатида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, ойда икки марта тумандаги маҳаллалар аҳолиси ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича жуда катта саяё-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан жаҳон андозалари даражасида қўрилиб, замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган клиника, оилавий шифохона ва бошқа даволаш муассасаларида қўли енгил шифокорлар туну кун аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш йўлида иш олиб бормоқдалар.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Бугунги суҳбатдошимиз аҳолини бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган ортирилган иммунитет танқислиги синдроми — ОИТС касаллигидан асраш ва унинг олдини олиш бўйича иш олиб бораётган Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази лаборатория мажмуаси мудири Ҳисомиддин Ибрагимовдир.

Биз Ҳисомиддин акага ҳозирги кунда дунё бўйича энг долзарб, муаммолар касалликлардан бири бўлган одам иммунитет танқислиги синдроми касаллиги, унинг яширин даври, қандай ўқиши мумкинлиги ва ниҳоят даво борми? деган саволлар билан мурожаат этдик.

— Ер юзиде мазкур ҳасталик билан оғриётган кишилар сони афсуски, йилдан йилга ортиб бормоқда, — дейди Ҳисомиддин Ибрагимов сўз бошлар экан. — Бу ҳолат шубҳасиз барчани оғохликка чақиради. Айниқса ўсиб келаётган ёшларнинг бу дарди бедавога учраши жуда ачи нарлидир. Биз уларни бу иллатдан асрашимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, ушбу ҳасталикка чалинган кишининг оғир ва аянчли

қисматини тўғри тушунириб боришимиз даркор.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда ОИТСнинг олдини олиш чораларига катта эътибор қаратилди. Марказимиз ҳудудий тиббиёт бирлашмалари билан бирга юртимизда мазкур ҳасталик билан оғриган барча беморларга сифатли ва самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга йўналтирилган профилактика, эпидемияга қарши, диагностика, даволаш тadbирлари амалга оширилади. Ушбу касалликнинг келиб чиқишига тўхталадиган бўлсак, у ёш, миллат танламайди. ОИТС антропоноз, яъни одамдан одамга юқувчи ҳисобланади. Унинг яширин даври 3-6 ойдан 10-15 йилгача давом этади. Касаллик инсонга пала-партиш жинсий ҳаёт кечириш, зарарланган тиббий ва нотибий асбоб-анжомлардан кетма-кетликда фойдаланилганда, ҳомиладор онадан болага, яъни ҳомилага ҳамда туғруқ вақтида юқиши мумкин. Касалликни билиб-билмай юқтириб олган, эндиликда нафақат ўзи, балки яқинларини ҳам ташвишга қўётган кишиларга ёрдам бериш, уларни даволашларидаги шароит яратиш борасида кат-

та ишлар олиб борилмоқда. Бу борада СПИД диагностикаси лабораторияларида ОИВ инфекциясига эрта таъхис қўйиш имкони мавжуд бўлган, юқори технологияда ишловчи ПЦР аппаратлари, бир қатор замонавий лаборатория ускуналари, тиббий муолажа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган барча зарур чора-тадбирлар қўрилган. Антроретро вирусли профилактика дориларимиз ҳам мавжуд бўлиб, унинг ютуғи шундан иборатки ҳомиладор онадан ҳомилага юқимдорлигини олдини олиш самарадорлиги юқорида. Мазкур йўналишларда ташкил этилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти ҳам катта.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, ушбу касалликдан ёшларни асраш, уларга ОИТС ҳақида тиббий билимларга асосланган маълумотлар бериш, нафақат марказимиз ходимларининг, балки барчамизнинг бурчимиз, қолаверса вазифамиздир. Шундай экан биз шифокорлар ҳамюртларимизга ҳар доим шахсий гигиенага амал қилинг, саломатлигимизни асраш ўз қўлимизда деб қоламиз.

Дилфурз ИБРАГИМОВА,
ЎЗДЖТУ халқаро
журналистика
факультети талабаси

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК КЎРГАЗМАСИ

Фурқат номли маданият ва
истироҳат боғида Миробод тумани
ёшлари иштирокида «Таълим ва
мутахассислик» кўргазмаси бўлиб
ўтди.

— Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида қатор тadbирлар уюштирилмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгаши раиси Саидрасул Саидхонов. — Туманимизда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул қилинишини самарали йўлга қўйиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, ўқитишни давом эттириш ва иш билан таъминланишига қўмаклашиш мақсадида уюштирилган ушбу кўргазма ҳам юқоридаги Қарор ижросини таъминлаш йўлида ташкил қилинди. Бу тadbир ўйлашмики, ёшларнинг ўз қизиқиш ва иқтидорларини шакллантириш, келажакда муносиб касб эгаси бўлиб камолга етишларида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Келажакда буюк ёшларимизнинг ташлаётган қадамлари ҳамиша нурли ва фароғатли кунларга тўла бўлсин.

Кўргазмада ҳаётнинг кейинги босқичи билан танишиш истагида бўлган икки минг нафарга яқин умумтаълим мактабларида таъхил олаётган ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Тadbирда Миробод туманида жойлашган Миробод саноат, Миробод енгил саноат, Тошкент архитектура-қурилиш, Тошкент политехника касб-хунар коллежлари ҳамда Тошкент темир йўллари муҳандислари институти қошидаги 2-сонли академик лицейлар ўзларида яратилган имкониятлар, қулайликлар ҳақидаги маълумотлар ва турли кўргазмалари билан иштирок этди.

Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг ўзи қизиқиб, танлаётган ўқиши, касби келажакдаги ҳаётида муҳим омил ҳисобланади. Келгусидаги ҳаётларининг бахт ва иқболга, саодатли ёруғ кунларга тўла бўлишига эса ёшларнинг бугунги «босишга» шайланаётган илк қадамлари муҳим аҳамият касб этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкент Давлат шарқшунослик
институтида ўтказилган тadbир
тарих ва жаҳон сиёсатининг
долзарб масалаларига
бағишланди.

Тadbирда «Жаҳон сиёсати ва тарих» факультети олимлар кенгаши раиси Ш. Ёвқочев сўзга чиқиб, бугунги кунда талабалар илмий салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шунингдек тadbирда институт талабалари ҳам ўзларининг «Сиёсат ва бугун», «Жаҳон сиёсати»га теран нигоҳ билан қараш», «Тарих бугуннинг кўзгусида» мавзулардаги маърузалари билан қатнашдилар.

Муслима АБДУМАЛИКОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик
институти талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги «SANOAT-LOYINALASHTIRISH MARKAZI» шўъба ҳўжалик жамияти ўз номини «SANOAT-LOYINALASHTIRISH MARKAZI» масъулияти чекланган жамияти қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. «SANOAT-LOYINALASHTIRISH MARKAZI» шўъба ҳўжалик жамиятига нисбатан даъволар бир ой ичида қўриб чиқилади. Тел: 268-99-01.

«Ипотека банк» АТИБга тегишли IPBJ Ф 0402005 (430) 0147218дан 0147225гача 8 дона кириш патталари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзиллар: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Ислам Исмаилов олган суратлар

«Осиё чемпионати – 2014»

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — БРОНЗА МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида мини-футбол бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси бронза медални қўлга киритди.

Осиё футбол конфедерацияси шафелигида ўтказилган нуфузли мусобақада қитъамизнинг ўн олти давлати терма жамоаси совринли ўринлар учун куч синашди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси мусобақанинг «D» гуруҳида дастлаб Қирғизистон вакиллари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган бўлса, иккинчи турда қитъамизнинг амалдаги чемпиони — Япония терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлу-

биятга учратди. Сўнги турда футболчиларимиз Жанубий Корея терма жамоасини 3:0 ҳисобида енгди ва гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, плей-офф босқичига йўл олди.

Чорак финалда Ливан терма жамоасини 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратган терма жамоамиз аъзолари ярим финалда эронликларга имкониятни бой берди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда мини-футболчиларимиз

Кувайт терма жамоасига қарши майдонга тушди.

Баҳодир Аҳмедов шоғирдлари ўйиннинг 11-дақиқасида Дилшод Раҳматовнинг аниқ ва кучли зарбаси эвазига ҳисобни очган бўлса, 35-дақиқада Фарход Абдумавлонов бурчакдан оширилган тўпни рақиб дарвозасига жойлади. Орадан бир дақиқа ўтиб, қувайтликлар ҳисобдаги фарқни қисқартирди.

Учрашувда 2:1 ҳисобида ғалаба қозongan Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Осиё чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди.

Паралимпия

ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАР БАҲСИ

Пойтахтимизда жисмоний имконияти чекланган ёшлар ўртасида бадминтон бўйича турнир ўтказилди.

ва Меҳригё Амриддинова биринчи ўринни эгаллади.

— Бу каби мусобақалар спортга бўлган қизиқишимизни янада оширади, — дейди турнир иштирокчиси Муродбек Фафурбеков. — Келажакда халқро миксдаги мусо-

бақаларда ҳам муносиб иштирок этиш ниятидаман.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига медал, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Нурулло НАСРИЕВ,
(ЎЗА)

Озарбойжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта бронза медални қўлга киритди.

Дзюдо

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида ҳамюртимиз Шарофидин Лутфуллаев грузиялик Георгий Месаблишвили, мўғулстонлик Херлен Ганболд ва мезбон спортчи Илғор Мушкеевни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг учинчи поғонаси-

дан жой олди.

100 килограммгача бўлган вазндаги спортчилар баҳсида икки нафар полвонимиз — Рамзиддин Саидов ва Сойиб Курбонов бронза медал соҳиби бўлди.

Б.АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

Танловлар

ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

Пойтахтимиздаги 218-мактабда ўқувчилар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов «Яшил чироқ» деб номланди.

Ўғил-қизларни турли кўнгилсиз йўл ҳодисаларидан асраш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда ёшлар ҳакамлар хайъатига йўл ҳаракати қоидалари бўйича тўплаган билимларини намоён этишди.

Шунингдек, ҳар хил саволларга тест асосида жавоб қайтаришди. Билимдонлар велосипед бошқариш бўйича ҳам ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар рағбатлантирилди.

(ЎЗ муҳбиримиз)

Ёнғин содир бўлишида, аввало инсон омили биринчи ўринда туради. Чунки айнан кишиларнинг беэтиборлиги ва эҳтиётсизлиги туфайли «тилсиз ёв» тизгинидан чиқади.

«101»

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Ўзимизни, яқинларимизни ва уй-жойларимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам хавфсизликнинг ажралмас бир қисмидир. Бу эса ҳамиша ва ҳамма ерда масъулиятли бўлишни талаб этади. Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ерлардаги моддий бойликларнинг ёниб қолган айланиси ҳеч галмас. Энг ачинарлиси эса ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам заво-вол топиши мумкин. Яъни ёнғин вақтида келиб чиқадиган турли хил хавфли ва зарarli омилар таъсирида моддий бойликлар нобуд бўлиши ва бахтсиз ҳодисалар рўй бериши мумкин.

Очиқ аланга, атроф-муҳитнинг ва ёнғинда қолган буюмларнинг юқори ҳарорати, ёниш вақтида ҳосил бўладиган турли хил зарarli газ ва буғлар, тутунлар, кислороднинг кам концентрацияда бўлиши, қурилиш конструкциялари ва материалларнинг қулаб тушаётган қисмлари, ёнғин вақтида содир бўладиган портлаш, портлашдаги тўлқин зарбаси ва унинг таъсирида учиб кетган материаллар шулар жумласига кирилади. Ушбу ҳодисаларнинг рўй бермаслиги учун доимо хавфсизлик қоидаларига риоя қилишимиз лозим.

Елдар ИНОЯТИЛЛАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан маҳалла фаоллари, тиббий хизмат ҳамда таълим даргоҳлари ва мактабгача таълим муассасаларида таълим олувчи ва тарбияланувчилар билан жойларда учрашувлар ўтказилаётгани фуқаро муҳофазасини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Бошқарманинг Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази томонидан тингловчиларни фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича пойтахтимиз аҳолисини тайёрларликдан ўтказиш машғулотлари жойларда режа асосида олиб борилади, тингловчиларда катта қизиқиш уйғотилади.

Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан 2014 йилда белгиланган иш режасига асосан Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган корхона, муассаса, ташкилотларда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш режаларини қайта кўриб чиқиш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, айрим идора ва ташкилотлар раҳбарлари табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар таснифи, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш бўйича бошқармадан мутахассислар юборишни сураб, бошқарма бошлиғи номига хат билан мурожаат қилмоқдалар.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Барка-

мол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт марказининг маънавият ва маърифат залида «Рўй бериш эҳтимоли мавжуд бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни Республика болалар бадий ижодиёт маркази директори Зокир Товбоев очди. Марказ педагог ходимлари ва тўғарақ аъзоларидан 45 нафари иштирок этган давра суҳбати қизиқarli савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи катта лейтенант Элёр Аҳмадалиев ва методист-ўқитувчи Ергали Исмаилов иштирокида ўтказилган давра суҳбатидан марказ педагогик жамоаси ва тўғарақ аъзолари қониқарли ҳосил қилишди.

Маърузачилар марказ ходимлари ва тўғарақ аъзолари томонидан тушган қўллаб-қувватловчи аффилиҳа жавоб беришди.

Республика болалар бадий ижодиёт марказида ўтган қизиқarli ва мазмунли давра суҳбати барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Азамат СУЮНОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар 233-28-95
факс (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсат олинган

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтабинтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г-556

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12091 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босилган топирилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ